

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

Навоий шаҳри

«10» 05 2022 йил

Навоий шаҳар 1-БЎСМ номидан низом устав асосида иш кўрувчи Ш.М.Хидиров бир томондан ва кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган иккинчи томондан NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ номидан устав асосида иш кўрувчи Деникаев А кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади билан Навоий шаҳар ҳудудида жойлашган 1-сонли БЎСМ том қисмини жорий таъмирлаш бўйича қуйидаги шартномани туздик.

## 1. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари сметага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси Смета ва (Форма-2-3 ) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## 2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига шаҳар ҳудудида жойлашган 1-сонли БЎСМ том қисмини **жорий** таъмирлаш **сметада** кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва (2022 йил "06" майдаги 76321 -сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **480 772 358** (тўрт юз саксон миллион етти юз етмиш икки минг уч юз эллик саккиз ) сум ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда қўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда ундаги \_\_\_\_ - иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_\_ - иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

тулов жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_\_\_-иловага мувофик аванс бериш ва жорий туловни амалга ошириш; мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## 6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб; кейинчалик ЭАВгас конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин қучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиради.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 (уттиз ) кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## 7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (уттиз) фоизи миқдорда аванс ўтказилади, бу 144 231 707 сўм ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2-3) асосан 70 (етмиш) фоиз амалга оширилади.

16. Бажарилган ишлар назорат улчовидан ўтказилиб, Пудратчи объектни фойдаланишга топширади. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб олтимиш кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## 8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан қелишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан қелишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан қиритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **9. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ноқулай оби-хаво ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 10. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давлатархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига муружаат қилишини истисно этмайди.

## 11. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи: шартнома кучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 (Уттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортишнинг учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортишнинг суммасининг 10 (Ун) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 (Эллик) фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 (Эллик) фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектуручилиш назорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50 (Эллик) фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

49. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.01.2017 йилдаги ЎРҚ-419-сонли коррупцияга қарши қуралиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ жавобгарликлар мавжудлиги.

### **13. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

50. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун

хужжатларида белгиланган тартибда Пудратчи жойлашган худуддаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### 14. АЛОХИДА ШАРТЛАР

51. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

52. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки

бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

53. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

54. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак

55. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

56. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (Уч) нусхада тузилди.

58. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзоланиб Навоий шаҳар Газначилик бўлимидан руйхатдан утқазилган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

#### 15. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### Буюртмачи:

Навоий шаҳар 1-БЎСМ  
Навоий шаҳар: А.Авлоний 26-уй  
Телефон 79-225-12-03  
ШХР: 401722860124017083610245002  
Банк Тошкент ш Марказий банк ББХККМ  
МФО: 00014 ИНН:203 168 534

ОКОНА  
Раҳбар Ш.М.Хидиров

М.У. (имзо)

Ўз Рес. молия вазирлиги газначилик

ГазнаМа х/р 23402000300100001010

юрист А.М.Н. А.Мухаммадиев

##### Пудратчи:

“NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ”  
Манзили:Ислол Каримов кучаси 140-35  
Телефон : 97 796-57-00  
х/р: 20208000205156066001

МФО: 00206 ИНН: 306970783

Раҳбар А.Деникаев

М.У. (имзо)

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 76321 на приобретение ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ КРОВЛИ ЗДАНИЕ ДЮСШ №1 ГОРОДА НАВОИ

Способ проведения электронный

Дата 06 05 2022

Время рассмотрения 06.05.2022 11:30

Конкурсная комиссия Навоий ш 1-БУСМ., (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MAJIDOV SOBIRJON SADULLOYEVICH	Укув ишлари буйича директор уринбосари	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Секретарь комиссии</b>	JURAYEVA GULBAXOR XASANOVNA	Хужалик ишлари буйича директор уринбосари	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Член комиссии</b>	ESHIMOV ELDOR TOSHTEMIROVICH	Услугчи	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Член комиссии</b>	PRIMOV SROCH TEMIROVICH	Услугчи	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Член комиссии</b>	BERDIYEV SHAVKAT PARDAYEVICH	Услугчи	Навоий ш. 1-БУСМ
<b>Член комиссии</b>	TOSHIMAMATOV G'OLIBJON ERKINOVICH	Бош хисобчи	Навоий ш. 1-БУСМ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.05.2022 года № лота 76321.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту кровли</b>
Подробное описание	ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ КРОВЛИ ЗДАНИЕ ДЮСШ №1 ГОРОДА НАВОИ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	519 111 155.00
Стартовая сумма	519 111 155.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солик хамда банк ташкилотидан карздорлиги булмаганлиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Солик хамда банк ташкилотидан карздорлиги булмаганлиги тугрисида

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО STANKO INSTRUMENT	25	495000000	11	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TRADE						
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK MЧЖ	25	илова қилинди (456818166)	17	Экспертная		
ООО GARANT UCHQU DUQ	25	451172007	14	Экспертная		
ООО NAVOIY BUNYODKOR CONSTRUCTION	25	25	12	Экспертная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	Солик ва банк ташкилотдан қарздорлик мавжуд эмас	10	Экспертная		
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	25	480772358	20	Экспертная		
«NAVOIY ICHIMLIK SUV QURILISH» MЧЖ	25	қарздорлик мавжуд эмас	17	Экспертная		
ООО STROY QO'RG'ON BIZNES	25	ООО "Строй Кургон бизнес" не имеет ни какой задолжности. файл справки о том что долга нет с налоговой инспекции прилагается, а также из банка где находится наш расчетный счет в виде файла прилагается	20	Экспертная		

Критерий №2 Траснпорт воситалари

Тип: Текстовое значение

Описание: ранспорт воситалари тугрисида тасдикланган маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО STANKO INSTRUMENT TRADE	25	495000000	4	Экспертная		
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK MЧЖ	25	илова қилинди (456818166)	8	Экспертная		
ООО GARANT UCHQU DUQ	25	451172007	18	Экспертная		
ООО NAVOIY BUNYODKOR CONSTRUCTION	25	25	17	Экспертная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	Моддий-техникаси базаси мавжуд	14	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	25	480772358	21	Экспертная		
«NAVOIY ICHIMLIK SUV QURILISH» MCHJ	25	Соответствует	7	Экспертная		
OOO STROY QO'RG'ON BIZNES	25	в нижепереведенном файле мы показали выписку из стат.отчет о наличии у нас Эксковарторы - всего 2 шт, Кран на автомобильном ходу - всего 1 шт,Инвентарные и передвижные бетонорастворосмесительные установки - всего 5 шт,Малые строительные механизмы - всего 153 шт,Передвижные инструментально-раздаточные пункты - всего 2 шт.	16	Экспертная		

Критерий №3 Иш стажи

Тип: Текстовое значение

Описание: Шу сохада камида Зйил стажга эга булиши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO STANKO INSTRUMENT TRADE	25	495000000	5	Экспертная		
ISTIQBOL PORILOQ KELAJAK MCHJ	25	илова қилинди (456818166)	15	Экспертная		
OOO GARANT UCHQUDUQ	25	451172007	8	Экспертная		
OOO NAVOIY BUNYODKOR CONSTRUCTION	25	25	10	Экспертная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	иш тажрибаси мавжуд	15	Экспертная		
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	25	480772358	24	Экспертная		
«NAVOIY ICHIMLIK SUV QURILISH» MCHJ	25	Соответствует	15	Экспертная		
OOO STROY QO'RG'ON BIZNES	25	Общий опыт работы 10 лет, включая специальный опыт выполнения строительных работ критический и	18	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		сверхкритических параметров, аналогичный по характеру и объему, объем выполненных работ за 2021 год в размере 5 603 788 500 сум , благодарственные письма имеются.также организация имеет сертификаты				

Критерий №4 Кафолат муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати ва ишни тез ва сифатли килиб бериш тугрисида кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO STANKO INSTRUMENT TRADE	25	495000000	3	Экспертная		
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK МЧЖ	25	илова қилинди (456818166)	13	Экспертная		
OOO GARANT UCHQU'DUQ	25	45172007	20	Экспертная		
OOO NAVOIY BUNYODKOR CONSTRUCTION	25	25	14	Экспертная		
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	25	Бажарилган ишларга белгинланган тартибда кафилик бериледи	16	Экспертная		
NAVOIY STROY QURILISH-2020 МЧЖ	25	480772358	23	Экспертная		
«NAVOIY ICHIMLIK SUV QURILISH» МЧЖ	25	Соответствует	10	Экспертная		
OOO STROY QO'RG'ON BIZNES	25	В предприятии накоплен богатый опыт выполнения сложных специализированных работ по ремонту: - школ,детсадов и колледжей, а также их реконструкция и модернизация, работы по техническому перевооружению, гос. акты и благодарственные письма имеются.а так же	19	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		в штате имеется 31 работник из которых 20 человек специалисты в области строительства, которые имеют дипломы и сертификаты				

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	519 111 155.00	499 111 155.00	05.05.2022 12:53:44	18.08
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	519 111 155.00	480 772 358.00	05.05.2022 16:25:19	18.77
«NAVOIY ICHIMLIK SUV QURILISH» MCHJ	519 111 155.00	468 000 000.00	05.05.2022 16:34:24	19.28
OOO NAVOIY BUNYODKOR CONSTRUCTION	519 111 155.00	493 155 597.25	30.04.2022 19:00:27	18.30
OOO GARANT UCHQUDUQ	519 111 155.00	451 172 007.00	30.04.2022 10:59:09	20.00
OOO STANKO INSTRUMENT TRADE	519 111 155.00	495 000 000.00	29.04.2022 15:14:10	18.23
OOO STROY QO'RG'ON BIZNES	519 111 155.00	464 604 483.00	06.05.2022 08:53:31	19.42
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK MCHJ	519 111 155.00	456 818 166.00	29.04.2022 16:35:29	19.75

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
QIZILTEPA COTTON TRANS X K	44	18.08	62.08
NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ	70.4	18.77	89.17
«NAVOIY ICHIMLIK SUV QURILISH» MCHJ	39.2	19.28	58.48
OOO NAVOIY BUNYODKOR CONSTRUCTION	42.4	18.3	60.7
OOO GARANT UCHQUDUQ	48	20	68
OOO STANKO INSTRUMENT TRADE	18.4	18.23	36.63
OOO STROY QO'RG'ON BIZNES	58.4	19.42	77.82
ISTIQBOL PORLOQ KELAJAK MCHJ	42.4	19.75	62.15

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 76321 от 06.05.2022 года на приобретение ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ КРОВЛИ ЗДАНИЕ ДЮСШ №1 ГОРОДА НАВОИ определила победителем:

NAVOIY STROY QURILISH-2020 MCHJ

306970783

и резервный исполнитель: ООО STROY QO'RG'ON BIZNES (305455269)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MAJIDOV SOBIRJON SADULLOYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ESHIMOV ELDOR TOSHEMIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	PRIMOV SROCH TEMIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BERDIYEV SHAVKAT PARDAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TOSHAMATOV G'OLIBJON ERKINOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП